



БАРҚАРОР ТУРИЗМНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Рахмонов Шухрат Шавкатович -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг докторанти

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a71

Аннотация. Ушбу мақолада жадал суръатларда ривожланиб бораётган туризм соҳасида барқарорлик тушунчасини қўллашнинг асослари, барқарор туризмнинг бирламчи мақсад ва вазифалари келтирилган. Шунингдек, мақолада туризмда барқарорлик, туризмни барқарор ривожлантириш ва барқарор туризм тушунчалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар келтириб ўтилган.

Таянч тушунчалар: экология, иқтисодиёт, маданият, жамият, туристик ҳудуд, барқарорлик, барқарор ривожланиш, барқарор туризм, тамойил.

ОСНОВНАЯ ЦЕЛЬ, ЗАДАЧИ И ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ УСТОЙЧИВОГО ТУРИЗМА

Рахмонов Шухрат Шавкатович -
докторант, Самаркандский
институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье представлены основы применения концепции устойчивого развития в сфере туризма, а также основные цели и задачи устойчивого туризма. В статье также упоминаются сходства и различия между понятиями устойчивости в туризме, устойчивого развития туризма и устойчивого туризма.

Ключевые слова: экология, экономика, культура, общество, туристическая зона, стабильность, устойчивое развитие, устойчивый туризм, принцип.

THE MAIN OBJECTIVE, TASKS AND PRINCIPLES OF SUSTAINABLE TOURISM DEVELOPMENT

Rakhmonov Shukhrat Shavkatovich -
PhD student, Samarkand Institute
of Economics and Service

Abstract. This article reveals the basic foundations of applying sustainable development concept in tourism sphere, as well as presents the main goals of sustainable tourism. The article also mentions the similarities and differences between the concepts of sustainability in tourism, sustainable tourism development and sustainable tourism.

Key words: ecology, economy, culture, community, tourism zone, stability, sustainable development, sustainable tourism, principle.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг интеграцияси даврида мамлакатлар ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим катализаторларидан бири бўлиб келаётган туризм соҳаси шиддат билан ўсаётган иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири саналади. Халқаро туризм индустриясига катта зарар кўрсатган COVID – 19 пандемияси тугаганидан кейин ҳозирги глобаллашув шароитида ўзга миллат ва элатларнинг бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортаётган бўлиб, бу мотивлар инсонларни саёҳат қилишга ундамоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг берган ҳисоботларига кўра, 2022 йилда дунё бўйлаб саёҳат қилган туристлар сони 900 миллионга етган ва бу кўрсаткич 2021 йил билан таққосланганда, икки баробар катта ҳамда 2019 йил пандемиядан олдинги давр билан солиштирилганда эса 37 фоизга камдир. Шунингдек, 2023 йилда халқаро туристлар сони пандемиядан олдинги даврдаги туристлар сонининг 80-90 фоизига тенглашиши башорат қилинмоқда [1]. Бироқ туризм индуст-

рияси тўғри бошқарилмаса, ижобийлик хусусиятларини йўқотади ва экологик, иқтисодий ижтимоий-маданий характердаги салбий оқибатларга олиб келади. Бунинг асосий сабаби туристик фаолият жараёнида ресурслар сарфи кузатилади, турли маиший чиқинди хосил бўлади ва уларнинг утилизацияси билан боғлиқ муаммолар юзага келади, атроф-муҳит ифлосланади, табиий ландшафтларга, тарихий-маданий ва табиий ёдгорликларга зиён етади, туристик дестинацияларга кенг қўламдаги салбий антропоген таъсир кўрсатилади. Шунинг учун ҳам «барқарор туризм» ва «туризмни барқарор ривожлантириш» атамалари туризм таълимида тез-тез ва кенг қўламда қўлланилаётган тушунчалардан бири бўлиб келмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Барқарор ривожланиш тушунчасига ҳозирга қадар қўллаб илмий таърифлар келтирилган. 1987 йилда Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича бутунжаҳон комиссияси ўзининг «Бизнинг умумий келажакимиз» ҳисоботида илк мартаба барқарор ривожланиш тушунчасига расмий таъриф берган.

Унга кўра, «барқарор ривожланиш – ҳозирги замон эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда келажак авлод эҳтиёжлари қондирилишини хавф остига қўймайдиган ривожланишдир» [2]. Юқорида келтирилган таърифдан хулоса қилган ҳолда олим Д.А.Котельников, барқарор ривожланиш жараёнида ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадлар ўзаро тўлдирувчи ва бўйсунувчи характерга эга бўлиши керак, дея таъриф берган [3].

Барқарор ривожланиш тушунчасини иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган туризм индустрияси учун ҳам қўллаш зарурати кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Британиялик олим Ричард Шарпли фикрига кўра, туризмни барқарор ривожлантириш сиёсий жиҳатдан туризмни ривожлантиришдаги муносиб ёндашув сифатида умумэътироф этилган тушунчадир [4].

1995 йилда Лансаротда барқарор туризм бўйича ўтказилган бутунжаҳон конференциясида «туризмни барқарор ривожлантириш» ва «барқарор туризм» тушунчалари БМТ ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) кун тартибида пайдо бўлди ва барқарор туризм БТТнинг биринчи даражали фаолият йўналишига айланди [5].

Барқарор туризм тушунчасини фақатгина ресурсларни бошқариш ва туристлар эҳтиёжини қондириш деб қарамасдан кенг таҳлил қилиш жоиздир. БТТ таърифига кўра, «барқарор туризм ўзининг ҳозирги ва келажакдаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик таъсирини тўлиқ ҳисобга оладиган, ташриф буюрувчилар, саноат, атроф-муҳит ва мезбон жамоалар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган туризмдир» [6].

Мазкур таърифда ҳозирги ва келажак авлод ҳамда барча манфаатдор томонлар қизиқишларини тенглаштиришнинг зарурати асослаб берилган. Юқоридаги таърифларга қўшимча сифатида Г.А.Карпова «туризмдан тушган даромаднинг маълум бир қисми туристик ресурсларни тиклаш ва туристик хизматларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилиши лозимлигини қайд этади» [7].

Барқарор туризмга яна бир кенг таъриф олим Б.Бремвел томонидан берилган бўлиб, унга кўра: «барқарор туризм табиий ресурсларнинг қайта тикланиши ва келажакдаги унумдорлигини ошириш учун табиий имкониятлар доирасида фаолият юритувчи, одамлар, жамоалар, урф-одат ва ҳаёт тарзининг аҳамиятини ҳисобга оладиган ва улар ўртасида туризмдан тушадиган иқтисодий фойданинг тенг тақсимланиши таъминлайдиган ва мезбон ҳудуд жамоатчилиги ва маҳаллий одамларнинг хоҳишларига кўра бошқариладиган туризмдир» [8].

Шунингдек, барқарор туризм ва унинг моҳияти профессор Н.Мюллер томонидан пирамида усулида тушунтирилган бўлиб, унга кўра пирамиданинг асоси қуйидаги 5 нуқтадан ташкил топган:

➤ иқтисодий фаровонлик (А): даромаднинг ошиши, қўшилган қийматдаги маҳсулотлар ва шу кабилар;

➤ субъектив фаровонлик (В): мустақиллик, эркинлик, ўз-ўзини англаш, мослашувчанлик ва шу кабилар;

➤ туристларга хизмат кўрсатиш (С): ташриф буюрувчиларнинг турли истак ва умидларини оптимал қондириш, меҳмондўстлик;

➤ табиат ва биоресурслар ҳимояси (D): биологик хилма-хилликни ва ресурсларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш;

➤ маданий хилма-хиллик (Е): миллий маданиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, маҳаллий аҳолининг анъаналари ва маданий бойликларини ҳимоя қилиш.

Пирамида асосини ташкил қилган характерли жиҳатларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро балансда тенг боғланган ва улардан исталган бирининг мувозанатдан чиқиши барқарор туризмнинг издан чиқишига олиб келиши айтилган. Пирамида асосидаги характерли жиҳатлар пирамида учидан бирлашган бўлиб, келажак авлод ҳуқуқларининг таъминланганлигида (F) ўз аксини топади [9].

2004 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризмни барқарор ривожлантиришнинг концепциясини ишлаб чиқди ва туризмни барқарор ривожлантириш нормалари ва бошқарув амалиётини туризмнинг барча турлари ва йўналишлари учун қўллаш мумкинлигини белгилаб берди ва 2005 йилда туризмни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадлари белгиланди [10]:

1. *Иқтисодий ҳаётийлик* – туристик дестинациялар ва муассасаларнинг узоқ муддатли истиқболда ўз даромадлари асосида ривожланиши учун ҳаётийлигини таъминлаш ва рақобатбардошлигини кафолатлаш.

2. *Маҳаллий ривожланиш* – туристик оқим ва маҳаллий ҳудуд ўртасида мувозанатни ушлаган ҳолда, туристик дестинацияларнинг ривожланишида туризмнинг салмоғини ошириш.

3. *Иш билан таъминланганлик сифати* – туризм томонидан яратилган ва қўллаб-қувватланадиган ишчи ўринлар сони ва сифатини ошириш. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси, хизмат кўрсатиш шартлари, жинсий, ирқий ва бошқа сабаблар учун дискриминация қилмаслик муҳимдир.

4. *Ижтимоий адолат* – туризмнинг ижтимоий ва иқтисодий фойдаларини бутун ҳудуд

бўйлаб одилона тақсимлаш. Жумладан, кам таъминланган аҳоли вакиллари учун мавжуд имкониятлар, хизматлар ва даромадни яхшилаш.

5. *Барча учун туризм* – ташриф буюрувчиларнинг жинси, ирқи ва жисмоний имкониятидан қатъи назар хавфсиз ва қулай туризм билан таъминлаш.

6. *Маҳаллий назорат* – келажакда ҳудудда туризмни ривожлантириш ва режалаштириш масалаларида маҳаллий аҳолини жалб қилиш.

7. *Жамият фаровонлиги* – туристик ҳудудда истиқомат қиладиган жамоа вакиллари яшаш сифатини яхшилаш, уларнинг ресурслар ва шароитлардан фойдалана олиш имкониятини қўллаб-қувватлаш.

8. *Маданий бойлик* – мезбон ҳудуднинг тарихий мероси, узоқ ўтмиши, маданияти ва анъаналарини ҳурмат қилиш.

9. *Жисмоний яхлитлик* – шаҳар ва табиий ландшафтларни сақлаб қолиш, уларни визуал ва жисмоний бузилишлардан ҳимоялаш.

10. *Биологик хилма-хиллик* – табиий ҳудудлар ҳимоясини қўллаб-қувватлаш, ёввойи табиатга етказиладиган зарарни минимумга тушириш.

11. *Ресурслар самарадорлиги* – туризмнинг ривожланиши ва туристик фаолиятда қайта тикланмайдиган ва етарли бўлмаган ресурслар сарфини камайтириш.

12. *Экологик фаровонлик* – туристик дестинацияларда чиқинди ишлаб чиқариш ва ҳавони ифлослантирадиган жараёнларни минимумга тушириш, ер ва сув ресурсларини сақлаш.

Шуни таъкидлаш жоизки, барқарор туризм туризмнинг янгича бир шакли ҳисобланмайди ва барча туризм турлари барқарор бўлишга интилиши керак. БМТнинг 2012 йил июнь ойида барқарор ривожланиш бўйича «Rio+20» конференциясида «Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш модели тўғрисидаги 10 йиллик дастур» (10 Year Framework Programme – 10YFP) қабул қилинди ва дастурга кўра барқарор туризмни ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар [11]:

- барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш моделини туризм сиёсатига киритиш;
- туризм секторида барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш;
- туризмнинг салбий таъсирларини юмшатиш учун бошқарув тамойиллари, инструментлари ва техник чораларни тарғиб қилиш;
- барқарор туризмнинг ривожланишини молиялаштириш ва инвестицияларнинг ҳажмини ошириш белгиланган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу илмий мақолада барқарор ривожланиш ва барқарор

туризм тушунчаларининг аҳамияти ва маҳмунмоҳияти, барқарор туризмнинг мақсади ва вазифалари, барқарор туризмни ривожлантиришнинг тамойиллари таҳлил қилинган. Бунда нуфузли халқаро ташкилотлар, олимлар ва илмий соҳа вакиллари, етакчи мутахассислар томонидан илгари сурилган ғоялар ва маълумотлардан фойдаланилган. Тадқиқотда тизимли ёндашув, умумлаштириш, илмий мушоҳада, синтез ва қиёсий таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодиётда кенг қўлланиладиган барқарор ривожланиш тушунчасининг туризмда қўлланилиши, барқарор туризмни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад, мақсадга эришиш учун бажарилиши керак бўлган вазифалар ўрганилди. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, «туризмни барқарор ривожлантириш», «барқарор туризм» ва «туризмда барқарорлик» тушунчаларини қуйидагича таърифлаш мумкин.


Туризмни барқарор ривожлантириш – узоқ муддатли истиқболда манфаатдор жамоалар (туристлар, қабул қилувчи ва жўнатувчи дестинациялар, маҳаллий аҳоли) қизиқишлари инобатга олинган, ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган ва туристик ресурслардан рационал фойдаланишни назарда тутган, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий ривожланиш мўвозанатда бўлган туризмни ривожлантиришнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Барқарор туризм – атроф-муҳит ресурсларидан оптимал фойдаланишга, мезбон жамоалар ижтимоий-маданий хусусиятларини ҳурмат қилишга, узоқ муддатли иқтисодий жараёнларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ва уларнинг манфаатдор жамоалар учун фойдасини назарда тутадиган туризм туридир.

Туризмда барқарорлик – туризмнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий ва экологик таъсири ўртасидаги ва ташриф буюрувчиларнинг ўзаро умумий ижобий таъсири демакдир.

Шунингдек, барқарор туризмнинг бирламчи тамойиллари ва унинг таркибий қисмлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари барқарор туризмга эришиш учун экологик, ижтимоий, иқтисодий ва маданий категорияларни ўзаро уйғунлашган тарзда ривожлантириш масалалари кўрилди. Туризмни барқарор ривожлантириш жараёнида туристик ресурсларга зарар етказмаслик муҳимдир. Ресурсларни бошқариш давомида иқтисодий, ижтимоий ва маданий-эстетик эҳтиёжларнинг қондирилиши, маданий яхлитлик, биологик хилма-хилликнинг сақланиши, яшаш шароитларининг яхшиланишига эътибор қаратилганлиги асосий ўринни эгаллайди. Барқарор туризм амалий жиҳатдан ривожланишнинг асоси ҳисобланадиган иқтисо-

дий, ижтимоий, маданий ва табиий (атроф-муҳитга оид) жиҳатларни қамраб олади ҳамда уларнинг негизида шаклланади (расм).



1-расм. Барқарор туризмга эришишнинг концептуал асоси

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шунинг учун ҳам ушбу муҳим 4 ўлчов ўртасида тенг баланс бўлиши туризмда узоқ муддатли ва барқарор ривожланишни таъминлайди. Барқарор туризмнинг ривожланиши натижасида туристик дестинациялар иқтисодий фойда кўради ва туризм хизматларидан тушган тушум туристик ресурсларнинг тикланиши ва сақланишига сарфланади. Юқорида таърифланган 4 ўлчовнинг барқарорлиги улар билан алоқадор бўлган экологик, қишлоқ маданий, ижтимоий ва бошқа туризм турларининг барқарор ривожланишини ҳам таъминлайди. Шунини таъкидлаш жоизки, туризмнинг исталган тури барқарорлик тамойиллари асосида ривожлантирилиши ҳамда туристик дестинацияларнинг ижтимоий-иқтисодий-экологик барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиши мумкин.

Барқарор туризмга эришиш қатор тамойиллар негизида амалга оширилиб, уларнинг асосида туризмни ривожлантириш жараёнида тизимли ёндашувнинг зарурлиги, маҳаллий ҳокимият органлари ва туристик ташкилотларнинг ўзаро интеграцияси муҳимдир. Шунингдек, туризм индустриясининг ривожланиши сабаб юзага келадиган зарарларни минимумга тушириш ва туризмдан тушаётган даромадни максимум тарзда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга йўналтириш барқарор туризмнинг энг устувор вазифаси ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда барқарор туризмнинг асосий тамойиллари келтирилган (жадвал).

Хулоса ва таклифлар. Шунини хулоса қилишимиз мумкинки, бутун дунёда барча учун манфаатли, сиёсий жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилган барқарор туризмни ривожлантириш муҳимдир. Туристлик нуқтаи назардан олиб қаралганда, яқин келажакда туризм индустрияси юз тутиши мумкин бўлган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик муаммоларнинг олдини олиш, ҳозирги ва келажак авлоднинг туризмдан баҳраманд бўлишини таъминлаш, туризмда барқарорлик тушунчасини қўллаш ва барқарор туризм тамойилларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Барқарорлик тамойиллари туризмни ривожлантиришнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий-маданий аспектига суянади ва барқарорликни узоқ муддатли ва кафолатли қилиш учун юқоридаги уч ўлчовлар ўртасида мувозанат ўрнатиш зарур ҳисобланади. Барқарор туризмни ривожлантириш қисқа фурсат ичида амалга ошириладиган жараён ҳисобланмайди. Барқарор туризмга эришиш пухта ўйланган, стратегик қарорларни талаб қилади ва ривожланиш бевосита тўрт таркибий қисм (иқтисод, жамият, экология, маданият) негизида шаклланади.

Барқарор туризм тамойиллари

	Тамойилнинг номланиши	Тавсифи
1.	Ресурслардан барқарор фойдаланиш	Табиий, ижтимоий ва маданий ресурсларни сақлаб қолиш ва улардан барқарор фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади ва барқарор бизнеснинг шаклланиши учун замин яратади
2.	Истеъмол ва чиқиндиларни камайтириш	Ҳаддан ташқари истеъмол ва чиқиндиларни камайтириш атроф-муҳитни тиклаш учун сарфланадиган харажатларнинг камайишига ва туристик маршрутларда дам олиш сифатининг яхшиланишига олиб келади
3.	Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш	Табиий, ижтимоий ва маданий хилма-хилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга ва бу ҳаракат узоқ муддатли туризмнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиши ва sanoat учун барқарор база шаклланишининг пойдевори бўлади
4.	Режалаштириш жараёнида туризм интеграцияси	Миллий ва маҳаллий ривожланиш дастурларида туризм интеграцияси туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш имконини беради ва туризмнинг ҳаётийлик муддатини оширади
5.	Маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш	Маҳаллий даражада хўжалик фаолиятини кенг миқёсда қўллаб-қувватлайдиган туризм мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиради
6.	Маҳаллий жамоалар иштироки	Маҳаллий жамоаларни туризм секторига фаол жалб қилиш нафақат уларнинг фойда кўришига, балки сифатли туристик лойиҳаларнинг пайдо бўлишига олиб келади
7.	Манфаадор томонлар ва жамоатчилик консалтинги	Туризм индустрияси субъектлари ва маҳаллий жамоатчилик ўртасида консултациялар жуда муҳим бўлиб, уларни ягона мақсад йўлида бир-бирдан узоқлашмаган ҳолда фаолият олиб боришига имкон беради
8.	Ходимларни ўқитиш	Барқарор туризм принципини амалиётда қўллаш ва реализацияни амалга ошириш учун ходимлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш барча турдаги туристик маҳсулотлар сифатини оширади
9.	Масъулиятли туризм маркетинги	Туристларга тўлиқ ва ишончли маълумот тақдим этадиган маркетинг дам олиш ҳудудларида табиий, ижтимоий ва маданий ресурсларга бўлган ҳурматни оширади
10.	Тадқиқот олиб бориш	Туризм соҳасида тадқиқот ва мониторинг олиб бориш, маълумотларни таҳлил қилиш мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради, туристик дестинациялар, туризм субъектлари ва истеъмолчиларга фойда келтиради

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шунинг учун ҳам туризмни барқарор ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни илгари суриш жоиздир:

- туристик фаолиятдан тушадиган даромадни ҳудуднинг туристик жозибадорлигини ошириш, туристик ресурслар ва туристик хизматлар барқарорлигига йўналтириш;
- туристик дестинацияларга ташриф жараёнида юзага келадиган туристик зарарларни назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш;
- мавжуд туристик салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда туристик хизматларни йўлга қўйиш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш;

- туристик маршрутларни ишлаб чиқиш жараёнида туристик ресурсларнинг салоҳиятини ўрганиш ва мазкур салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда туристик фаолиятни амалга ошириш;
- барқарорлик тамойилларини назарда тутган ҳолда туристик маҳсулотни шакллантириш ва ўзаро 3 томонлама (маҳаллий туризм бошқаруви органи, аҳоли ва турист) ҳамкорликни таъминлаш;
- туристик ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг туризмдан манфаатдорлигини таъминлаш ўрта муддатли иқтиқболда амалга оширилиши керак бўлган муҳим вазифалардир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World Tourism Barometer. Volume 21. Issue 1. January 2023. Page 3. URL: https://webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2023-01/UNWTO_Barom23_01_January_EXCERPT.pdf?VersionId=2bbK5Gfwk5KrBGJZt5iNPAGnrWoH8NB
2. Наше общее будущее: Доклад Международной комиссии по окружающей среде и развитию. С. 30. URL: <http://xn--80adbkckdfac8cd1ahpld0f.xn--p1ai/files/monographs/OurCommonFuture-introduction.pdf>
3. Котельников Д.А. Управление устойчивым развитием туристского региона. И.ф.н. илмий даражаси учун диссертация. – Краснодар, 2020. 16-б.
4. Sharpley R. Rural tourism and sustainability – A Critique. In D. Hall, L. Roberts, & M. Mitchell (Eds.), *New directions in rural tourism* (pp. 38-53). 2003. Aldershot: Ashgate Publishing Limited.
5. Concept note: Towards the Development of the 10YFP Sustainable Tourism Programme. URL: <http://www.unep.org/10yfp/Programmes/ProgrammeConsultationandCurrentStatus/Sustainabletourismincludingecotourism>
6. Making Tourism More Sustainable: A Guide for Policy Makers. / UNEP and UNWTO, 2005. Sustainable development. P. 11-12. <https://www.unwto.org/sustainable-development>
7. Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью. – Санкт-Петербург: Изд-во СПбГУЭФ, 2011.
8. Bramwell B., Jackson G. and van der Straaten J. *Sustainable Tourism Management: Principles and Practice*, Tilburg University Press, Tilburg, 1996.
9. Furch J. *Nachhaltiger Tourismus und Regionalentwicklung in Verbindung mit dem Schutz der Meeresschildkröten*. Tübingen, 2008.
10. UNEP / UNWTO: Making Tourism More Sustainable. Page 18. 2005.
11. Year Framework Programme – 10YFP. URL: <http://www.unep.org/10yfp/Programmes/>
12. Доклад о ходе осуществления десятилетних рамок программ по моделям устойчивого потребления и производства. ООН. Экономический и социальный совет. Доступно: <http://www.unece.org/> (дата обращения: 27.10.2020).